

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҲАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ВИЛОЯТИМИЗ МАКТАБЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИДА ЎҚИТУВЧИЛАР БИЛАН ФИКР АЛМАШДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги “Афросиёб” тантаналар мажмуасида вилоят ҳокими Ҳайрулло Бозоровнинг вилоятимиз шаҳар ва туманларидан келган бир гуруҳ ўқитувчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Самимий мулоқот шаклида бўлиб ўтган учрашувда Давлатимиз раҳбарининг куни кечা “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тӯғри йўлидир!” мавзусидаги замонавий дарсликлар кўргазмаси доирасида бир гуруҳ Республика мактаб ўқитувчилари билан учрашувларида илгари сурилган фикрлар, ташабbusлар ҳамда белгилаб берилган режалар юзасидан сұхбатлашилди, вилоятимиз мактабларида таълим-тарбия сифатини ошириш масаласида ўзаро фикр алмашилди.

Президентимиз томонларидан мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш, ўқитувчининг жамиятдаги обрўси ва мавқеини ошириш, педагогларни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлаш, мактабларда сифатли таълимни ташкил этиш учун моддий-техник шароит яратиш билан бирга таълимнинг мазмунини, методологияни ўзgartириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида таълим соҳасига мутлақо янги муҳит ва сифат кириб келаётгани қайд этилди.

Тошкентда ўтказилган замонавий дарсликлар кўргазмасида иштирок этган вилоят чет тилларни ўқитишига ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори Элеонора Дадажанова ҳамда Марғilon шаҳридаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Зулфия Тугушева, Президентимиз билан бўлиб ўтган мулоқотда ўртага ташланган асосий масалалар ҳамда таклифлар, Давлатимиз раҳбарининг буғунги кун таълими ҳақидаги фикрлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Вилоятимизда таълим соҳасини яхшилаш борасида келгуси йил учун белгилаб олинган режалар ва мақсадлар, уларни амалиётга самарали тадбиқ этиш йўллари юзасидан тажрибали ўқитувчилар ўз фикрларини билдирилар.

Бир пиёла чой устида ўтган учрашув, вилоятимиз санъаткорларининг куй-қўшиқлари билан давом этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-12-30 19:53:04